

ФАВКУЛОДДА ТАКФИР

3 январ баъдаз жумъа Самарканднинг мунажжим Мирзо Улугбек мадрасаси ичиндаги жомеъда беш-олти минг мусулмон хузурида муаззин тарафидан усули жадидачиларни ва русча ўкутмоқга ташвик килатургонларни кофирлиги ва хар ким боласини усули жадида мактабига берса, «ўзи кофир, хотуни талок» бўлушини форсий тил ила узун ва хаяжонлик бир нутк ила халойикга билдуруб, хамда[1] аларни «кофир ва ўрус» хамда «кофир ва ўрус килгучи» деб эълон килинди.

Халк хеч бир нима демасдан таркалди. Бир неча хафтадан бери жаноб кози ва мударрислардан баъзилари маълум ерларга мажлислар килиб эканларки, бу фавкулодда ва умумий такфир шунинг натижасидур. Чунончи, муаззин дерки, «Бу сўзларни ўзумдан айтмайман, уламо кавли ва буйруги ила берман. Макзуф ва макдухлар ушбу тўғридан шариат ва конун махкамаларига ва ер юзиндаги мусулмонларни виждонига ружуъ этарлар. Шуни-да фавран ёзайинки, кофир деган одамлари азалий ва абадий мусулмондур. Унлар куфрни абадан кабул этмайдурлар. Туркистонда юз минг оталар борки, балалари усули жаид мактабига ўкуйдур.

(Келар адад ояндада батафсил ёзармиз.)

«Ойна» журнали, 1914 йил, 12-сон, 295-бет.

[1] Жой колдирилган. Чамаси, мухаррир масала ойдинлашмагунча эл эътиборидаги кишиларнинг номлари бадном бўлишини истамаган.